O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

5 декабрь
1999 йил–Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари сайлови куни
сайловларга 22 кун қолди

9 январь
2000 йил–Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни
сайловларга 57 кун қолди

Куч—адолатда

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✡ 1999 йил, 12 ноябрь, № 36 (229) ✡ Жума кунлари чиқади ✡ Сотувда эркин нархда

Нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожланиришдан мақсад — жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилиш. Сиёсий ва ижтимоий соҳада эса давлат тизимларига муқобил куч сифатида улар адолат тарозисини ҳаётда ҳукмрон қилишга ҳисса қўшишлари лозим.

Ислом КАРИМОВ.

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ВА КОНСТИТУЦИОН САЙЛОВЛАР

Мана етти йилдирки, Конституцияга асосланган демократик жамиятнинг сиёсий тизимларини босқичма-босқич ривожлантириб, мамлакатда сиёсий барқарорликни, тинч-осойишталикни, иқтисодий тараққиётни, мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлаб келмоқдаман. Оллоҳга шукурлар бўлсинким, қудратли тарих бизга озодликни берди. Тарих ўз имкониятларини бизларга ва келажак авлодларга ҳадя этди. Биз демократия йўлидан бормоқдамиз. Биз қураётган жамиятни ер курраси ярмидан кўпроғи қўллаб-қувватламоқда.

Демократия бугунги кунда турмуш тарзига айланиб, ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларига кириб бормоқда. Демократия ғоялари қадимги Афинада Перикл замонида дунёга келган бўлса, XVIII аср охирида демократияни байроқ сифатида Америка Қўшма Штатлари отахони Томас Жеферсон Америка қитъасига олиб келди.

Россияда, СССР деб аталган совет тотолитар тузуми қулай деб тебраниб турган бир пайтда Андрей Сахаров демократия байроғини баланд кўтарди. Марказий Осиёга бўлса, яъни Ўзбекистон ҳудудига уни биринчилардан бўлиб Ислом Каримов олиб келди.

Демократия сиёсатшунос олимлар фикрига кўра «Халқ учун халқ томонидан амалга ошириладиган халқ ҳокимиятидир».

Баъзилар озодлик ва демократияни ўзаро тенг маънода тушунадилар. Аслида ундай эмас, улар синоним ҳам эмас. Демократия — озодлик ҳақидаги ғоялар йиғиндиси бўлиши билан бирга, узоқ муддатли ва изтиробли тарих жараёнида шаклланган амалий қоида ва расм-русумларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Бир сўз билан айтганда, демократия — озодликни расман қонунлаштириш дегани. Ўзбекистондаги демократия ўзига хослиги ва ўзининг хусусиятлари билан бошқа жамиятлардаги демократиялардан фарқ қилади. Чунки у социализм — тотолитар тузумдан бирдан ажралиб чиқиб, бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамиятдир.

Ўзбекистондаги демократия барча фуқаролар сайланган расмий вакиллари орқали амалга ошириладиган халқ ҳокимиятидир. Ҳокимиятга, яъни Олий Мажлисга вакиллар сайлаш Ўзбекистон Конституциясининг моддасига асосан ҳар беш йилда сайлов ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳукуматнинг асосий ҳужжати, дастхати бўлиш билан бирга мамлакатнинг олий қонунидир.

Ўзбекистон Конституцияси — инсон эркинлигини тўлиқ таъминлаш билан бирга у ўзининг соддалиги, равонлиги, халқчиллиги билан сўнмас куч-қудратга эгадир. Ушбу Конституция мустақиллик йилларда сиёсий жараёнлар даврида тайёрланди ва қабул қилинди. Ўзбек халқининг севимли фарзанди, биринчи Президент, ўзбек ўғлони асос солган бу Конституциянинг вазифаси келажак авлодларни ҳаёт сарчашмаларидан баҳраманд қилиш ва уларнинг муштарак эзгу орзуларини муяссар қилишдан иборатдир.

Конституциямиз ўзининг абадий ва салобатли сифатларига қарамай, фақат муқаддас ёдгорлик бўлиб қолмасдан тараққиётга хос жараёнда ўзгартиришлар киритиш хусусиятига ҳам эгадир.

Конституциямизга асосан ўтказиладиган сайловларимизда, демократия фақат рамзий бўлиб қолмай, рақобатли, ваколатли сайловлар бўлиб, ўзининг теран фикрларига эга бўлган, ўзининг танқидий фикрлари билан матбуот, радио, телевидениеларда халқ олдига чиқа оладиган шахслар сайланмоғи керак.

Демократик сайловлар даврий бўлиш билан бирга ваколатли бўлади. Сайланган вакиллар халқ олдида, сайловчилар олдида ҳисоботлар бериб турадилар. Демократик сайловлар ҳал қилувчи бўлиш билан бирга, ҳукуматни Олий Мажлисдаги таркибини белгилайди. Мамлакат Конституцияси ва қонунига бўйсунувчи халқ томонидан сайланган вакиллар номигагина давлат бошқарувчи арбоблар — Олий Мажлис депутатларигина бўлиб қолмасдан, ҳақиқатдан ҳам ҳокимият жиловини ўз қўлларида тутадиган, халқнинг дарду ҳасратларига орзу ҳавасларига шерик, ҳамдард бўлишлари керак.

1999 йил 5 декабрда Олий Мажлис депутатларини сайлаш жараёнида овоз бериш ҳозирги замон демократик жамият ҳаётида иштирок этишнинг энг кўзга кўринган, кенг тарқалган, айни пайтда энг асосий шаклидир.

Эркин ва одил сайловлар ўтказиш жамиятни демократик деб аташга асос берувчи кўрсаткичдир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакат ҳудудларида, унинг кенгликларида, ястаниб ётган вилоятларнинг қишлоқ ва шаҳарларида 24 миллиондан ортиқ аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиб ўтказиладиган сайловларда демократик жараёнларни яратишда барча фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади деган умиддамиз.

Муҳаммаджон ЎРМОНОВ,
Темурийлар тарихи Давлат музейи катта илмий ходими, тарихчи ва сиёсатшунос олим.

Ташрифга оид

«ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЮҚОРИ МАВҚЕГА ЭГА»

Хитой Халқ Республикаси раиси Цзян Цзэмин мамлакатимиз ҳақида сўзлар экан юқоридаги гапни алоҳида таъкидлаб ўтди

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 8-10 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.

Ушбу ташриф асосида давлатларимиз ўртасида тўқизта ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжатлар сиёсат ва иқтисодиётдан то маданият, почта ва телекоммуникациягача бўлган жуда кўп соҳаларни қамраган. Пекинда Президентимизнинг ташрифига катта эътибор қаратилди. Бу давлатимиз раҳбарининг Хитойга учинчи сафари эди. Илгариги ташрифлар ҳам икки томонлама алоқаларни янги босқичга олиб чиққан. Бинобарин, Ислом Каримов илк бошдаёқ мазкур сафар ҳам ўзаро ҳамкорликни янада юқори поғоналарга кўтаришига умид билдирди. Икки давлат раҳбарлари суҳбатлари давомида ўзаро алоқаларни янада яхшилаш учун бор имкониятдан тўла фойдаланишга келишиб олди.

Томонларнинг қарийб барча муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикри бир жойдан чиққанини шундан билиш мумкинки, ХХР раҳбари Цзян Цзэмин, ташриф дастури доирасидан ташқари, яна алоҳида учрашув ўтказиш таклифини билдирди. Сафарнинг учинчи куни ХХР раисининг қароргоҳида икки давлат раҳбарининг мулоқоти давом эттирилди. Айтишларича, Хитойдан айни ташриф чоғида айни раҳбар билан икки марта, бунинг устига давлат раҳбарининг қароргоҳида алоҳида учрашиш холати ҳали кузатилмаган эди. Бу, албатта, Ўзбекистон Президентига эҳтиром ва ишонч, давлатимиз ва халқимизга қизиқиш, интилиш ва юксак ҳурмат белгисидир...

***

«Яқин дўстлик ва қўшничилик алоқаларини ривожлантириш минтақавий тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда дунё миқёсида ҳамкорликни ривожлантиришга асос бўлади», деди Хитой раҳбари Ўзбекистон сиёсатига баҳо берар экан.

Пекинда Президент Ислом Каримов билан учрашганидан кейин ХХР раиси Ўзбекистон раҳбарининг икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси юқори эканини таъкидлади ва бу борадаги хизматларига юқори баҳо берди.

Бугун Хитой матбуотининг асосий диққат-эътибори Президент Каримовнинг ташрифига қаратилган. «Чайна дейли» газетаси, масалан, «Хитой билан Ўзбекистон имкониятларни бирлаштиряпти» сарлавҳаси остида Президентимизнинг ташрифига оид батафсил мақола чоп этган. Унда дастлабки музокаралар, улар натижасида эришилган келишувлар ҳақида ҳам сўз боради.

(ЎзА).

Оққўрғон тумани сайлов округида жойлашган барча сайлов участкаларида айни кунларда иш қизғин. Сайлов комиссияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов моҳиятини аҳолига тушунтириш ишларини фаол бошлаб юбордилар.

Суратда: 2-сайлов участкаси раиси Ислом Мамашукуров сайловчилар билан суҳбатлашмоқда.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

УНИ УНУТМАГАЙ ОЗОД БЎЛГАН ХАЛҚ

Ким агар жон тикиб Ватан йўлида,
Миллат орзуси деб елса-югурса,
Адолат йўлида, иймон йўлида,
Ҳар доим бир томон — Ҳаққа интилса,
Уни унутмагай озод бўлган халқ.

Ҳурлик бермоқ бўлса халққа мақсади,
Шу йўлда айланса туғга, яловга.
Агар ким ўлимга тикка боқса-да,
Юрт учун киролса не-не оловга,
Уни унутмагай озод бўлган халқ.

Кимда-ким эрк учун, истиқлол учун,
Ўқ зарбидан қулаб яна керса қад.
Дунёда тинчликнинг бўлмоғи учун
Бир зарра бўлолса, юрт бўлса обод,
Уни унутмагай озод бўлган халқ.

Гўдак кипригига илинган кўз ёш,
Титратиб юборса агар қай дилни.
Халқ учун куйиниб улғайган бардош,
Ёритиб юборса зимистон тунни,
Уни унутмагай озод бўлган халқ.

Умидсизга умид бўлиб ёғилса,
Ёниб ким айланса яна учқунга.
Бировларнинг бахти бўлиб туғилса,
Ким агар ўхшаса нур сочар Кунга,
Уни унутмагай озод бўлган халқ.

Давлат МУРОД.

● Футбол

САРАЛАШ БАҲСЛАРИ АРАФАСИДА

Ўзбекистон футбол федерациясида 20-28 ноябр кунлари Бирлашган Араб Амирликларида ўтказиладиган XII Осиё чемпионатига саралаш бахслари олдидан ҳамда республикамиз саккизинчи миллий чемпионати якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Миллий терма жамоамиз шу йил июн ойидан бошланган ўқув машғулотларида беш марта ўртоқлик учрашуви ўтказди. Дастлабки учрашув Самарқанд вилоятида Малайзия терма жамоаси ҳамда «Самарқанд» жамоаси билан бўлганди. Июл ойида эса улар Таиланд терма жамоасининг меҳмони бўлишди. Вакилларимиз 8-12 август кунлари Озарбайжон, худди шу ойнинг охирида Пекинда Хитой олимпиада ҳамда миллий терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувлари ўтказди. Шунингдек, бешинчи босқич тайёргарлик бахслари яна «Самарқанд» жамоаси билан ўтказилди. Ушбу учрашувларни саҳифасоб қилсак, натижа қониқарли деб бўлмайди.

Терма жамоа бош мураббийси Маҳмуд Рахимов буни изоҳлаб, июн ойида миллий терма жамоамизга 39 нафар номзодни таклиф қилган эдик. Лекин, кўпгина легионерларимизнинг ўртоқлик учрашувларида қатнаша олишмагани натижаларни юқори бўлишига тўсқинлик қилди. Айни пайтда 39 номзоддан 15 та футбол клубида ўйнаётган 25 нафар футболчи саралаб олинди. Тайёргарлик машғулотлари давомида улар орасидан энг кучли 20 нафар ўйинчини танлаб оламиз, деб таъкидлади.

Футбол федерациясидан олинган маълумотларга кўра, терма жамоамиз таркибида хорижда тўп суратган Миржалол Қосимов, Максим Шацких каби легионерлар мавжуд бўлиб, айни кунларда вакилларимиз «Пахтакор» Марказий стадионида сўнгги тайёргарлик машғулотларини олиб боришмоқда.

Саралаш бахсларининг дастлабки учрашувида 20 ноябр уни жамоамиз бангладешликларга қарши майдонга тушади. Шунингдек, ўзбекистонликлар 22 ноябр куни Шри-Ланка, 24 ноябрда Ҳиндистон терма жамоалари билан куч синашади. Шубҳасиз, бўлғуси бахсларда гурухдаги асосий рақибимиз мезбонлар — БАА терма жамоаси ҳисобланиб, улар билан учрашув 26 ноябрда ўтказилади.

«Туркистон-пресс».

«ОБУНА — 2000»

«АДОЛАТ» АДОЛАТПАРВАР КИШИЛАР ГАЗЕТАСИ

Энг қувончлиси — «Адолат»нинг ҳаммабоплигидир. Сиз ундаги турфа ҳангомаларни ўқиб бир зум мазза қиласиз. Ҳаётда адашиб, жиноят кўчасига кирган ёки бошқа кўнгилсизликлар содир этган кимсаларнинг мудҳиш қисматидан жирканасиз. Қаёқдадир рўй берган ажабтовур воқеалардан ҳайратга тушасиз. Яна ўзингизни қизиқтирган масалаларнинг ечимини шу газета орқали топганингиз, ҳуқуқий саводхонлигингизни оширганлигингиз, улуғ тарихимиз, бой маданий меъросимиз, маънавият, маърифат ва бошқа ижтимоий-сиёсий соҳаларга оид материаллар билан танишиб бораётганлигингиз, газетадан катта маънавий, ҳуқуқий озиқ олаётганлигингиз-чи? Газетанинг ижодий жамоаси ўтган обуна мавсумидан Сизни муҳим мақолалар ва публицистик материаллар, турли тақдирларга оид очерклар, фельетон ва памфлетлар билан хушнуд этишни кўзда тутган эди. Мақсадига эришди, ваъдалари амалга ошди. Қолаверса, газетанинг яна ўнлаб одамларга фойдаси тегди. Уларнинг муаммоларини ҳал этиб берди. Ҳа, буюк бобокалонимиз Амир Темур айтганидек, «Куч — адолатда»дир. Унинг тантанаси оғир, аммо ҳузурбахшдир.

Газета 2000 йилда ҳам ўз анъаналарини изчил давом эттириб муштарийлар хизматида бўлади. Уларнинг энг яқин суҳбатдоши, ҳамроҳига айланади.

«Адолат» Сиз билан!

«Адолат» Сиз учун! «Адолат» — адолатпарвар кишилар газетасидир!

Фурсатни бой берманг!

«Адолат» газетасининг обуна баҳоси: 12 ойга 2952 сўм.

Нашр кўрсаткичи: 100.

«Адолат»га обуна бўлинг!

Ислоҳот ва самара

НОГИРОНЛАР УЧУН КОМПЬЮТЕР

Республикамиз пойтахтининг Чилонзор туманида жойлашган ногиронлар билим юрти ўтган йили ўзининг 60 йиллигини нишонлаган эди. Яқинда бу ерда яна бир байрам бўлиб ўтди. Компьютер маркази тантанали равишда очилди.

Энди билим юртида таълим олаётган 500 нафар ўқувчи ўзи ёқтирган касбларни замонавий техника ва технология асосида ўрганади. Билим юрти раҳбарияти ушбу марказ учун алоҳида хона ажратиб берди. Унга ўқувчилар учун компьютерлар ўрнатилди. Техникани жаҳонда машҳур «Филип Моррис» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси совға этди.

— Биз ўқув юртига фақат компьютерлардан ёрдам бериш билан чекланмаймиз, — дейди «Филип Моррис» ваколатхонасининг масъул ходими Нодиржон Қосимов. — Ўқитувчиларни ҳам компаниямиз ҳисобидан ўқитиб берамиз.

Компаниянинг Ўзбекистон бозорига келганига 5 йил бўлди. Сўнгги вақт мобайнида у Тошкент педиатрия олийгоҳи, А. Навоий номли опера ва балет театри сингари қатор муассасаларга яқиндан ёрдам берди.

Муқаддас АЛИҚУЛОВА.

Қарор ва шарх

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ:

У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Сайлов компанияси ўзининг жуда муҳим ва масъулиятли даври—сайловолди ташвиқоти босқичига кирди. Сайловолди ташвиқоти, уни олиб бориш, механизми жуда мураккаб ва масъулиятли жараён бўлиб, у ўзига алоҳида эътиборни талаб қилади. Ана шунинг учун ҳам Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари даврида Олий Мажлис депутатлигига, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайлов кампаниясида қатнашувлари учун тенг шароитларни таъминлаш тўғрисида» махсус қарор ва уни амалга ошириш юзасидан йўриқнома қабул қилди.

Қарорда жумладан «Ўзбекистон Республикасида бўлиб ўтадиган сайловларни оммавий ахборот воситалари холислик, ҳаққонийлик асосида кенг ёритишлари», қарорнинг бажарилиши эса Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчилик шаклидан қатъий назар барча оммавий ахборот воситалари учун бирдек мажбурийлиги таъкидланган.

Ана шу талаблардан келиб чиқадиган бўлсак, номзодларга, уларни кўрсатган субъектларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳи вакилига тенг миқдорда эфир вақти, матбуотда эса тенг саҳифалар ажратилиши, сайловолди кампаниясини ўтказиш даврида сиёсий партиялар намоёндалари, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи вакили иштирокида «давра суҳбатлари», «телебаҳслар» ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар тўғрисида плакатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан чоп этилади. Участкалар ва бошқа кўзга кўринарли жойлар — маҳаллалар, кўчалар, бекатлар, кўп қаватли биноларда уларнинг бирини осиб, қолганини осмасликка йўл қўйиб бўлмайди. Тегишли округдан депутатликка номзодларнинг барчаси тўғрисидаги плакатлар ёнма-ён, тартиб билан осиб қўйилиши шарт.

Маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларни алоҳида плакат қилиб чиқаришнинг иложи ҳам, имконияти ҳам йўқ, зеро бу иш жуда кўп миқдордаги маблағни талаб этади. Шунга қарамасдан барча сайлов округлари ва участкаларида уларнинг бир хил катталикдаги фотосуратлари ва бир хил ҳажмдаги таржимаи холларини осиб қўйиш лозим, токи сайловчилар ўз номзодларини билиб олсинлар ва кимга овоз беришлари тўғрисида бир фикрга келиш имкониятига эга бўлсинлар.

Сайлов қонунларида номзодларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилган, дедик, бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, номзодларнинг дастурлари республика суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, унда уруш, миллий адоват, ирқий ва диний хусумат таргиботи, фуқаролар конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи ҳатти-ҳаракатларга даъват этиш чақириқлари бўлмаслиги лозим.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш, шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши таъқиқланади.

(Давоми 3-бетда).

АЗИМОВА МУКАРРАМХОН АХАДОВНА – КАНДИДАТ В ДЕПУТАТЫ ОЛИЙ МАЖЛИСА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

АЗИМОВА МУКАРРАМХОН АХАДОВНА, 1952 года рождения, узбечка. Генеральный директор Сергелийской компании «Файз» по производству мебели. Образование высшее. Член социал-демократической партии «Адолат».

Основная трудовая деятельность М. А. Азимовой связана с мебельной компанией «Файз», куда она пришла инспектором отдела кадров в 1978 году. Последовательно занимала должности начальника отдела кадров, заместителя генерального директора, генерального директора. Без отрыва от производства закончила юридический факультет Ташкентского государственного университета.

М. А. Азимова принимает деятельное участие в реализации осуществляемых в республике социально-экономических реформ, в обновлении и совершенствовании правового фундамента страны. Ее отличают современный взгляд на жизнь, она постоянно ведет поиск новых методов и нетрадиционных решений проблем, связанных с производством. Под руководством М. А. Азимовой созданы шесть крупных совместных предприятий по производству высококачественных товаров народного потребления, пользующихся спросом как у нас в стране так и за рубежом.

Профессиональная компетентность, честность, принципиальность, обязательность, высокая требовательность к себе и окружающим в сочетании с отзывчивостью и добротой снискали М. А. Азимовой заслуженный авторитет, обеспечивают решение неотложных вопросов социальной адресной помощи малообеспеченным семьям, ветеранам, пенсионерам.

В 1996 году М. А. Азимова была удостоена престижного международного звания «Эртсмейкера» — («человек, меняющий лицо планеты-Земля»), в 1997 году награждена орденом Республики Узбекистан «Дустлик»

Замужем, имеет двоих детей, внуков.

Избиралась депутатом районного и Ташкентского городского Совета Народных депутатов, в 1994 году—депутатом Олий Мажлиса РУ первого созыва.

Гость нашей редакции

Мукаррамхон АЗИМОВА:

«ГЛАВНОЕ — ИНТЕРЕСЫ ЛЮДЕЙ ТРУДА!»

В стране разворачивается второй, самый ответственный для всех участников — агитационно-пропагандистский этап кампании по выборам депутатов Олий Мажлиса, областных, городских и районных Советов народных депутатов. В этот раз предвыборная борьба носит особенно острый характер. Своих кандидатов в органы народовластия выдвинули не только представительные органы власти, инициативные группы, но и самостоятельные политические организации, в том числе и социально-политические организации, в числе каторых и социально-демократическая партия «Адолат».

Генеральный директор крупнейшего в Средней Азии ОАО «Холдинговая компания «Файз» Мукаррам Ахадовна АЗИМОВА — одна из 156 кандидатов в Олий Мажлис республики, которые зарегистрированы Центризбиркомом в списках от партии «Адолат». Учитывая богатый опыт общественно-политической и производственной деятельности, а также солидный депутатский стаж Азимовой редакция попросила Мукаррамхон Ахадовну поделиться размышлениями о нынешней избирательной кампании, рассказать о своей кандидатской платформе, планах и намерениях на ближайшую перспективу.

— Мир, политическая и экономическая стабильность, равенство всех перед законом и социальная справедливость — это то, что сегодня особенно важно для граждан Узбекистана. На таких общечеловеческих понятиях и ценностях основана программа социально-демократической партии «Адолат», членом которой я являюсь. Доверие партии, выдвинувшей меня кандидатом в депутаты Олий Мажлиса, ко многому обязывает. И нацеливает на честную предвыборную борьбу за депутатский мандат, а в случае успеха — на напряженную кропотливую парламентскую деятельность.

О том, что депутатство — это прежде всего огромная ответственность перед людьми, знаю не понаслышке. В предыдущие годы избиралась в районный и городской Советы народных депутатов, а в 1994 году стала депутатом Олий Мажлиса РУ первого созыва. За это время многое поняла и многому научилась, работая в составе постоянных парламентских комиссий и практически участвуя в процессе законодательства. Помог и многолетний опыт руководителя в промышленной сфере, постоянное общение с людьми разных социальных слоев и взглядов.

Собственно, моя нынешняя предвыборная платформа как раз и основана прежде всего на реальном знании нужд и потребностей людей труда.Тех, кто своими руками строит экономический фундамент суверенного Узбекистана, его завтрашнее благополучие. Говоря о сегодняшней избирательной компании, важно отметить, что изменились не только реальные подходы к формированию органов народовластия и сама философия выборов. Считаю, они стали по настоящему альтернативными по составу зарегистрированных кандидатов и представительными по числу организаций, которые они представляют. ведь не одна и не две партии выдвинули в этот раз своих претендентов в Олий Мажлис и территориальные органы народовластия. У людей есть реальный выбор. Да и такие важные понятия, как, скажем, гражданственность, патриотизм, любовь к своей Родине сегодня уже приобрели для многих избирателей более реальный жизненный смысл и конкретное содержание. Для меня, как человека и гражданина, это понятия святые. И я буду в меру своих сил способствовать утверждению этих национальных ценностей в сознании людей труда наравне с таким важным делом, как забота об повышении их жизненного уровня и материального достатка.

События во многих странах, в том числе и соседствующих с нами, убеждают, насколько частыми и жестокими стали ныне вспышки экстремизма и насилия, попытки использовать верования. пристрастия и интересы различных политических группировок, этнических слоев в разжигании кровопролитных вооруженных конфликтов. Все это, безусловно, влияет и на общественно-политическую ситуацию в Узбекистане. И заставляет тех, кто берет на себя ответственность за народное доверие, искать надежные правовые механизмы, которые смогут надежнее защитить согласие и порядок в обществе. И я считаю своим долгом активно выступать против любых попыток разжигания национальной розни, насилия и терроризма, против неконституционных методов решения общественных проблем. Это важные слагаемые моей предвыборной платформы.

Как известно, нынешние выборы проводятся в год, объявленный Годом женщин. Эта инициатива Президента Ислама Каримова — не только дань уважения, но и наглядное свидетельство растущей роли нашей, женской половины общества в проводимых в стране реформах. Со своей стороны считаю, что женщина, будь-то производственница, работница сферы науки, искусства или просто домохозяйка — воспитательница детей и хранительница семейного очага, должна иметь высокую степень гражданской и социальной защиты. Как на законодательном, так и на исполнительном уровне. Мне, как руководителю крупного производственного коллектива, где на решение женских проблем ежегодно расходуются миллионы сумов, это хорошо известно. А как лицу с депутатскими полномочиями не раз приходилось отстаивать права своих работниц, пострадавших от бюрократического произвола, на самых разных уровнях. И в дальнейшем намерена вносить свою лепту в развитие женского движения, которое служит конкретным показателем демократического развития Узбекистана.

Считаю своей важной задачей — совершенствование молодежной политики. Ведь наши юноши и девушки — это сила, надежда и будущность страны. Собственно и среди избирателей, участвующих в выборах в Олий мажлис XXI века, молодых людей почти 40процентов. Значит нужны соответствующие организационно-правовые условия, способствующие воспитанию подрастающего поколения физически и духовно здоровыми, с твердыми идейно-нравственными ориентирами. Мы просто обязаны сберечь нашу завтрашнюю смену от грязных происков ловцов неокрепших душ, от губительного влияния дельцов от религии и преступных авторитетов. Считаю, что никто из претендующих в органы народовластия, не вправе оставаться в стороне и от таких важных направлений общественного обустройства, как повышение роли молодых людей в рыночных преобразованиях и выполнение на местах Национальной программы по подготовке кадров. Не подготовив себе достойную замену, мы завтрашнего процветания не добьемся.

О необходимости привлечения инвестиций в производство, модернизации промышленности, освоения современных технологий и выпуска конкурентоспособной отечественной продукции сейчас говорят на всех уровнях руководства. В нашем мебельном холдинге стремились так действовать с первых лет независимости. Причем, свои намерения всегда соотносим с реальными экономическими возможностями. К примеру, план I этапа технического перевооружения «Файза» требует 4,8 миллиона долларов США. Половину этой суммы мы уже вложили сами, остальное — продажа наших акций, долгосрочный займы. Скажем, почти два миллиона долларов предприятию кредитовала Международная финансовая корпорация. Более того, зарубежные партнеры вошли в дело, купив наши акции. Позаботившись о производственной базе, мы смогли за годы независимости увеличить объемы производства в 1,6 раза и намерены лидировать дефицит на высококачественную недорогую местную мебель как у нас в стране, так и в целом по региону.

Практические усилия на посту руководителя крупного производства помогли мне четче определить и свою депутатскую позицию в защиту отечественных товаропроизводителей. Ясно, что выпускать свою качественную продукцию, обновляя и расширяя производство, создавая новые рабочие места, выгоднее, нежели тратить валюту на покупку товаров за границей. Значит, узбекистанским промышленникам нужна реальная депутатская поддержка в их добрых начинаниях. И, конечно же, защита от вчерашних «монстров»-монополистов, только засоряющих местный товарный рынок, и от чиновников-лихоимцев на местах, на корню душащих предпринимательскую инициативу и поиск. Уверена: тому, кто сам хорошо знает проблемы хозяйственников, проще сориентировать на это свою предвыборную платформу и отстаивать их интересы в системе законодательной власти. В этом я убедилась на собственном примере.

Настоящий, думающий о завтрашнем дне хозяин, верша насущные дела, всегда содержит в чистоте и порядке свой дом. Так и граждане Узбекистана, развивая экономический потенциал независимого государства, должны постоянно беречь природу и ее ресурсы. От прошлых десятилетий бездумного хозяйствования достались серьезные экологические проблемы. Задействовать правовые природоохранные механизмы, последовательно решать вопросы оздоровления окружающей среды, не допустить повторения аральской катастрофы — насущный долг каждого, кто рассчитывает на доверие избирателей. Эти и многие другие экологические аспекты — важная часть моей предвыборной платформы, моих планов и намерений. С ними я иду к своим избирателям и надеюсь получить их поддержку.

Холида МУХАМЕДОВА.

АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРАЙЛИК

Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори

Президентимиз раҳбарлигида мустақил мамлакатимиз ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб олди. Бу йўлнинг моҳияти бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролик жамияти қуриш, халқимизнинг муносиб турмуш шароитини яратиб беришдан иборатдир. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида эришилган ютуқларимизни, истиқлол берган неъматларни ёшларимизга кенгроқ тушунтирсак, уларнинг онгида турли зарарли ғоялар учун бўшлиқ қолмайди. Ахир инсон ҳуқуқини таъминлаш буюк мутафаккирлар орзуси, ҳар бир мустақил давлатнинг муқаддас вазифаси бўлиб келган. Шунинг учун ҳам жамиятимизда ҳуқуқий демократик давлат қуришга ҳаракат қилинмоқда.

Куни кеча Тошкент юридик институтининг мажлислар залида Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамда Тошкент Давлат юридик институти ва ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази билан ҳамкорликда ўтказилган «Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ютуқ ва муаммолар» мавзусидаги давра суҳбати худди ана шу масалаларга бағишланди.

Давра суҳбатини Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Аслиддин Болиев очиб, жумладан шундай деди: «Ҳар бир қонун ўзининг ижроси билан кучлидир. Бизда фуқаролар ўзларининг мулкий, маънавий, интеллектуал, сиёсий ва бошқа шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини қонун орқали, суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини таъминловчи қатор қонунлар мажмуаси яратилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вакили фаолият кўрсатмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш — уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирги пайтда амалга оширилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни объектив зарурат қилиб қўймоқда. Мамлакатимизда инсонларнинг турли ҳуқуқларига дахлдор бўлган кўплаб қонунлар амалга киритилган. Республикада ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳолининг чуқур англашига ҳар томонлама кўмаклашиш — давлат, бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг энг долзарб вазифаларидир.

1997 йил 22 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 367-сонли «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарор билан Тошкент Давлат юридик институти ҳузурида ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази, вилоят адлия бошқармаларида унинг минтақавий бўлимлари, шаҳар, туман ҳокимликлари қошида жамоатчилик асосида ҳудудий бўлимлари ташкил қилинди, уларнинг фаолият йўналишлари белгилаб берилди.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент Давлат юридик институти ректори, юридик фанлари доктори, профессор Ҳалим Бобоев «Ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда энг асосий омил» мавзусида маруза қилар экан, у ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва унинг минтақавий бўлимлари вазифалари хусусида ҳам тўхталиб ўтди. Жумладан, у мамлакатда ҳуқуқий таълим фаолиятини кучайтириш ва аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий турларини тадбиқ этиш, жойларда ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ташкилий ишларга жамоат бирлашмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва илмий муассасалар ходимларини жалб этиш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан эканлигини айтиб ўтди.

Шунингдек, давра суҳбатида Республика оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси раиси Хуршид Дўстмуҳаммад, ҳуқуқий-маърифий тарғибот маркази директори Узоқ Бозоров, Узбекистон педагогика илмий-тадқиқот институтининг ходими З. Каримовлар ҳам сўзга чиқиб, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида қилинаётган ва қилиниши зарур бўлган ишлар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Давра суҳбати қатнашчилари аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда бу соҳада ҳали мавжуд бўлган қамчиликлар ҳамда келажакда қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида ҳам баҳс-мунозара юритдилар.

Феруза САЙДАМАТОВА.

ҚАСДЛАШУВ

ёки аламзада раҳбарнинг асоссиз буйруқлари ҳақида қисса

Аёллар йилида Феруза Аҳроркуловага уста-уст жабр қилишди. Шуниси ажабланарлики, бу жабр-ситамларга прокурор ҳам «шерик» бўлди. У аламзада бошлиқларнинг бўҳтон ва чақувларига ишониб, суднинг адолатли ҳал қилув қарори бир ярим йил бажарилмай қолиб, Феруза Аҳроркулова ишдан қувғин қилинишига билибми-билмайми ҳисса қўшди.

Бир ярим йиллик изтироб. Тасаввур қилинг, одам ташвиш гирдобига тушганда, йил эмас, ой эмас, ҳатто кунлар ҳам унга оғирлик қилади. Бир ярим йиллик қувғин ва камситиш юкини кўтариш эса аёллар эмас, эркак кишига ҳам оғир. Аммо Феруза бечора шундай оғир юк остида эзилиш ва хўрланишга мажбур бўлди.

Бу воқеа баъзи бир раҳбарларга ҳам, уларнинг тазйиқида қолган фуқароларга ҳам сабоқ бўлар деб, аламзада раҳбарларнинг тутуруқсиз буйруқлари ва унинг оқибатлари ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчимиз.

Феруза Аҳроркулова 1994 йилдан бери «Сирдарёоблгаз» бошқармасига қарашли «Янгиергаз» корхонасида бош ҳисобчи эди. 1997 йил март ойида бу корхонага Шербек Товбоев бошлиқ бўлиб келган дастлабки кунлардан бошлаб бу аёлни «ишдан бўша, ариза ёз» деб, қистай бошлади. Чунки бир мажлисда бош ҳисобчи ғоят муҳим масалани кўтарди. Шаҳарга берилаётган газ ҳажми кўпу, ташкилот ва фуқаролардан тушаётган газ пули анча кам. Феруза Аҳроркулова бунинг сабабини айтиб, чора кўришни ўртага ташлади. Гап шундаки, Янгиер шаҳрида хусусий ошхона, чойхона, нонвойхона кўп. Аммо уларнинг кўпчилиги газдан фойдаланганлиги учун ҳақ тўламайди ёки ярим-ёрти пулини беради.

Ана шу гап янги бошлиқ ёқмади. Сабаби маълум, хусусий корхоналар — олғир раҳбарлар учун даромад манбаи. Шундай бўлмаса, Товбоев бутунлай тўнини тескари кийиб олармиди? У бош ҳисобчини қисувга олди. Ф.Аҳроркулова ҳақ гапни айтиб, ўзи ноҳақ бўлиб қолаётганидан ўкинди-да «Сирдарёоблгаз» бошқармасининг вақтинча бошлиғи Баҳром Юсуповга мурожаат қилди. Ушанда бошқарма бошлиғи Абдугалямов қамоққа олиниб, унинг вазифасини бош муҳандис бажараётган эди.

Аҳроркулова Баҳром Юсуповнинг холис ёрдамига ишонган эди. Амалда бунинг тескариси бўлиб чиқди. Энди аёлнинг битта рақиби иккитага айланди. Иккаласи бирлашиб, Ферузанинг бошида тегирмон тоши юргиза бошлашди.

Гапнинг қисқаси, 1997 йил 19 декабрда 301-буйруқ пайдо бўлди. Унга биноан Ф.Аҳроркулова ўз вазифасидан четлаштирилди. Худди шу пайтда бош ҳисобчи бетоб бўлиб, касалхонада ётган эди. Қаранг, бу адолатсизлик қайси қонунга сигади?

Товбоев ва Юсупов бу билан кифояланмадилар. Орадан бир ой ўтгач, аниқроғи 22 февралда Баҳром Юсупов 31-буйруққа имзо қўйди. Бу буйруққа асосан бош ҳисобчи ишдан батамом бўшатилди. Сабаби нима? Феруза Аҳроркулова кўп касал бўлар эмиш. Ўз вазифасини уддалай олмасмиш...

Бу туҳмат, бу ҳақорат Аҳроркуловага жуда оғир ботди. У ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиб, судга ариза берди. Гулистон шаҳар суди даъво аризани кўриб чиқиб, 31-буйруқ асоссиз чиқарилган деб топди ва бош ҳисобчини ўз вазифасига тиклаш ҳақида қарор чиқарди. «Сирдарёоблгаз» бошқармаси бошлиги Г.Ҳабибов суд қарори асосида Аҳроркуловани ўз вазифасига тиклади.

Шу билан адолат тикланди, изтироблар тугади дерсиз. Йўқ. Бечора Аҳроркулова бошида ҳали кўп ташвишлар бор экан. Аввало Ҳабибовнинг буйруғи бир пулга қиммат бўлиб қолаверди. Нега десангиз, Аҳроркулова хурсанд бўлиб ишга борса, уни ишхонасига қўйишмади. Товбоев шундай буйруқ берибди.

Яна изтиробли кунлар, идорама-идора юришлар бошланди. 1998 йил тугаб, 1999 йил — Аёллар йили бошланди. Аҳроркулова ишга келаверадию, идорага киролмайди. Гўё у ўз корхонаси учун бегона. Гўё у ҳеч кимга керакмас бир одам. Бу хўрланиш яна бир неча ой давом этди. Тоқати тоқ бўлган аёл Гулистон шаҳрига келиб, «Сирдарёоблгаз» бошқармаси бошлиги ҳузурига кирмоқчи бўлди. Ушанда 11 март эди. Лекин уни кадрлар бўлими бошлиги тўхтатди.

— Сиз ишдан бўшатилгансиз, — деди у.

— Ие, қачон?

— 1999 йил 16 февралдаги 16-сон буйруқ билан.

Аҳроркулова буйруқни қўлига олди. Ўқиб чиқди-да кўзлари тиниб, боши айланди. Бу буйруқда уни ўз лавозимига нолойиқ деб ишдан бўшатишибди. Ҳаммасидан шуниси унга алам қиларди. Тўғри, у касаллиги бўйича иккинчи гуруҳ ногирони. Бироқ бу ишига халақит бермайди-ку. Ногирон ишини уддалаш имкониятига эга бўлгани ҳолда уни эъзозлаш, кўнглини кўтариш ўрнига сиз яроқсиз одамсиз деб камситиш қайси одобга, қайси қонунга сигади?!

Феруза Аҳроркулова суднинг қарори бажарилмаётгани, аксинча уни қайтадан ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқарилганидан норози бўлиб, ёрдам сўраб Гулистон шаҳар прокуратурасига мурожаат қилди. Кейин нима бўлди денг? 1999 йил 4 майда шаҳар прокурори О.Холбоевнинг имзоси қўйилган хат олди. Унда «Сиз бош ҳисобчи лавозимига яроқсизсиз» деган мазмун бор эди. Буниси ҳаммасидан ошиб тушди. Бечора аёл аламини йиғидан олди. Ҳабибов, Юсупов, Товбоевлар эса «ура!» деб қарсак чалдилар. Бундан ортиқ хўрлик бўладими бечора аёлга?

Бир гапни алоҳида таъкидламоқчиман. Агар Аҳроркулованинг ўрнида бошқа аёл бўлса, бошқа йўл тутган бўларди. Бу аёлнинг қатъияти иродаси мустаҳкам экан. У ортга чекинмади. Яна аламзада раҳбарларга қарши курашиб, ўзининг ҳақлигини исботлашга бел боғлади. Айтингчи, шундай аёл кичик бир корхонанинг бош ҳисобчиси вазифасини уддалай олмайдими?

Бу гал Аҳроркулова республика прокурори номига ариза ёзди. У ерда хатни назоратга олишиб, ҳал қилиш масаласини Сирдарё вилоят прокуратурасига юборишди.

Сирдарё прокуратурасида Аҳроркулованинг аризаси атрофлича текширилди. Шу аснода вилоят прокурининг биринчи муовини Тўйчибой Ҳайиталиев имзоси билан «Сирдарёоблгаз» бошқармаси бошлиғига топшириқнома юборилди. 1999 йил 14 октябрдаги бу ҳужжатнинг бир нусҳаси Феруза Аҳроркуловага ҳам жўнатилган эди. Уни ўқиб, шўрлик аёл яна бир марта кўзларига ёш олди. Аммо бу гал аламидан эмас, қувончидан шу ҳолатга тушган эди. Ҳайрият, охири адолат қарор топди. «Сирдарёоблгаз» янги буйруқ чиқарадиган бўлди.

Ҳайрият деймизу дилимизда ҳамон ҳавотирлик бор. Шунча гап-сўзлар, шунча воқеалардан кейин аламзада Товбоев билан Юсупов ўзини қандай тутаркин? Улар бечора аёлга қарши яна бирор туҳмат, бирор фитна уюштирмасмикан? Огоҳлантириб қўяйлик. Агар улар мард бўлишиб, ўз хатоларини тан олишса ва Аҳроркуловага яхши иш шароити яратиб беришса, ўзларига фойда. Акс ҳолда, уларнинг афтбашаралари янада аниқроқ ошкор бўлиб, қонун олдида жавоб берадилар.

Саминжон СУЛТОНОВ, «Адолат»нинг ўз мухбири.

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ:

У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек сиёсий партияларнинг фаолияти, сайловолди ҳаракатларини партия раҳбари ёки вакилларининг сайловчиларни партияни сайловда қўллаб-қувватлаш, унинг аъзоларига овоз беришга даъват этувчи мурожаатлар, чиқишлар ёки шу маънони ифодаловчи бошқа кўринишдаги ҳаракатлар таъқиқланади.

Марказий сайлов комиссияси йўриқномасида номзодлар, сиёсий партияларнинг сайловчиларни сайловда улар учун овоз беришга даъват этадиган восита — видео, аудио, роликларга эга бўлсалар, ушбу воситалар телевидение ва радио томонидан барча номзодлар учун тенг шароитда эфирга узатилиши лозимлиги кўрсатилган.

Депутатликка номзодларнинг, сиёсий партиялар раҳбарларининг, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари вакилларининг оммавий ахборот воситалари орқали баҳс ва мунозараларда бир-бирини ҳақоратлаш, киши шахсиятига тегадиган, манбаи ноаниқ ёки имзосиз хат шаклидаги маълумотларни тарқатиш таъқиқланади.

Сайлов қонунларида депутатликка номзодларнинг ўз ишончли вакилларига эга бўлиш ҳуқуқи ҳам кўрсатилган. Шунга кўра Олий Мажлис депутатлигига номзод бештагача, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар учтагача ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар, юқорида таъкидланганидек, номзоднинг депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, барча жойда номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар. Депутатликка номзод ўз ишончли вакилини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади, округ сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувоҳнома беради. Қонун бўйича сайлов комиссиясининг аъзоларидан ташқари ҳар қандай шахс депутатликка номзоднинг ишончли вакили бўлиши мумкин.

Қонунда, шунингдек манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ўз кузатувчилари тўғрисида округ сайлов комиссияларига сайловга кечи билан ўн беш кун қолганида, яъни 20 ноябргача маълум қилишлари кўрсатилган. Округ сайлов комиссияси ҳар бир кузатувчига мандат беради.

Кузатувчига қонун улкан масъулият ҳам юклайди. Улар асосан сайловларни кузатиш бўйича Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йилги (Варшава) қўлланмасида, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йили қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»да, 1989 йили АҚШда чоп этилган «Америкада бошқарув услуби: демократиянинг ўзига хос муаммолари» китобида, Ўзбекистоннинг сайлов тўғрисидаги қонунларида, шунингдек А. Абдуллаевнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссияси Ахборотномаси 2-сонида (1999 йил, сентябрь)ги «Кузатувчилик масъулияти» мақоласида ва бошқа манбаларда кенг ёритилган.

Мамлакатимизнинг сайлов тўғрисидаги барча қонунларида хокимият вакиллик органлари сайловларида эркин ва яширин овоз берилиши қайд қилинган. Бундай қоида халқаро ҳуқуқ меъёрларига батамом мос келади. Республикамиздаги барча сайлов комиссиялари фаолиятининг асосий принциплари бугун ана шунга қаратилган. Зеро Марказий сайлов комиссияси раиси профессор Н. Комиловнинг таъкидлашича, «бизда яширин равишда қилинадиган бирор иш бўлиши мумкин эмас, фақат яширин овоз бериш тартибигина бор, холос».

Ҳеч шубҳа йўқки, мамлакатимизда бўлгани каби, вилоятимизда ҳам сайловлар қонун ва демократия талаблари асосида, сайловчиларнинг юксак фаоллиги ва кўтаринкилиги рухида, сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтади.

Иноятулла СУВОНҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси аъзоси, филология фанлари доктори, профессор.

Али ЗУЛФИҚОРОВ,
Самарқанд вилояти сайлов комиссиясининг котиби, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент.

Бўка тумани «Нон» комбинати директори Равшан Оқбўтаев корхонада фақат аҳолига манзур бўладиган маҳсулотлар тайёрланиши учун доимо жон куйдиради. Шунинг учун ҳам бу ердан чиқаётган бўрсилдоқ нонлар ҳеч қачон пештахталарда туриб қолмайди.

Аҳоли талабини инобатга олган новвойлар бир кунда 5-10 тонна 6 хил нон тайёрлашяпти. Комбинат раҳбарининг ташаббуси билан корхонада турли хил макарон, чанқовбосди ичимликлар, музқаймоқлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган.

Суратларда: комбинатнинг тайёр маҳсулотлар омбори мудири Марат Аббосов (ўнгда) ва моҳир новвой Зафар Зокировлар тасвирланган.

Суратларни Даврон АҲМЕДОВ олган.

Сўранг, жавоб берамиз!

ИШОНЧЛИ ВАКИЛ НЕЧТА БЎЛАДИ?

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари неча кишидан иборат бўлади? Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган номзодникичи?

С. ЙИГИТАЛИЕВ,
Фарғона тумани.

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлишга ҳақлидир. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг тақдимномасига кўра ишончли вакилларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олади. Марказий сайлов комиссияси уларга тегишли гувоҳнома беради.

Олий Мажлис депутатлигига номзод беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин.

ИМОМАЛИ РАҲМОНОВ ЯНА ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ

Мана бир неча йилдирки, Тожикистонда биродаркушлик уруши давом этмоқда. Бу уруш аҳолининг тинкасини қуритди, хонавайрон қилди. Кўпчилик низоларнинг тугашини сабрсизлик билан кутиб, умид билан яшаяпти.

Президент Имомали Раҳмонов ўзининг сайловолди дастурида ўз Ватанини жангари ва террорчилардан тозаламоқчилигини бир неча бор айтди. Шу мақсад амалга оширилса, яхши кунлар келишини тушунган халқ уни қўллаб-қувватлади. Имомали Раҳмонов яна Президентликка сайланди.

Президент сайлов ўтказилиши муносабати билан мамлакатда вазиятнинг кескинлашуви Тожикистондаги маълум кучлар яқин орада ўз мақсадларига, жумладан, мамлакат ташқарисидан «шивирлаб» турилган мақсадларга эришиш учун ҳукуматга куч ўтказиш йўли билан таъсир қилиш «тажрибаси»дан қайтгани йўқ, қайтиш нияти ҳам йўқ, деган фикр уйготади кишида.

Бу, аввало, террорчиларнинг муқаддас дин ниқобига беркиниб, ҳозир мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлган ҳомийларига тегишлидир. Бу ўринда уларнинг бугун ҳам, яқин келажакда ҳам кучининг асосий омили — пул, қурол ва истаган пайтда фойдаланиш мумкин бўлган одамлар экани ҳисобга олинмоқда. Унутмаслик керакки, бунинг оқибати янада кенгроқ минтақавий кескинликни келтириб чиқариши мумкин.

Яшаш, тинч ва бунёдкор ҳаёт кечириш ҳуқуқи ҳар бир фуқаро, сайёрамизда истиқомат қилаётган ҳар бир кишининг муқаддас ҳуқуқидир. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ҳар бир давлат мамлакат, унинг фуқароларининг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун қайси мамлакатдан таҳдид солинаётганидан қатъий назар, ҳар қандай хавф-хатарга қарши барча восита ва усулларни қўллаган ҳолда қарши курашиши керак.

Бизнинг ҳукуматимиз ҳар қандай хавф-хатарнинг олдини олиш, жиноятчи ва террорчилик гуруҳларига зарба бериш, уларни таг-томири билан йўқотиш ҳамда барча қурол-яроғ ва ўқ-дори манбаларидан маҳрум этишга аҳд қилган. Биз тинч ҳаётимизни бузмоқчи бўлаётганларга, биқинимизда турган хавф-хатарга чидаб туришга тоқат қилолмаймиз. Мамлакат хавфсизлиги, халқимиз ҳамда келажак авлод олдидаги бурчимиз шуни тақозо этади.

Шукрона

ФАХРИМ, ИФТИХОРИМСАН, ЎҒЛИМ!

Шанба куни, эрталаб соат еттилар чамаси эди. Ошхонада чой дамлаётсам телефон жиринглаб қолди. «Узоқданга ўхшайди, Моҳирбекмикин». Шу фикр «ярқ» этиб хаёлимдан ўтди-ю, шошиб уйга кириб гўшакни кўтардим. «Ало, ало». Орадан бир икки лаҳза ўтмай ўғлимнинг ҳаяжонли овози эшитилди. «Ассалому алайкум, аяжон, яхшимисизлар». «Моҳирбек, онанг ўргилсин, ўзингмисан». Шу пайт томоғимга нимадир тиқилди. «Етиб боришинг билан телефон қилгин деган эдим-ку, тинчликми?». «Тинчлик, ая, тинчлик, ҳаммаси яхши, ҳеч хавотир бўлманглар», — деди у қувноқ оҳангда. «Университетга яқин жойдан квартира топдик. Даврон иккаламиз турибмиз, ўқишлар бошланди, нопроблем». «Хайрият, ҳеч бўлмаса бир ойда бир марта қўнғироқ қилиб тур, мана, телефонни дадангга беряпман».

Диванга бориб ўтирарканман хаяжондан, қувончдан юрагим гурсиллаб кетди. «Худога шукур, эсон омон экан», — дедим ўз ўзимга кўз ёшларимни кафтларим билан артиб. Америка дунёнинг нариги чеккасида-ю овози бирам яхши эшитилди, худди ёнимда ўтириб гапиргандай-я». Шу лаҳза негадир Моҳирбекнинг Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетига ўқишга қабул қилинган кунги шодон чеҳраси кўз олдимга келди.

— Аяжон, мен сизга айтган эдим-ку, албатта кираман, деб, — деган эди кўзлари чақнаб. 195 олибман, юқори бал бу!

Дадаси бўлсалар «қалайсиз энди», дегандай маъноли қараб қулиб қўйдилар. Боиси, университетга ҳужжатларини топшириб келгандан кейин таниш билишлардан баъзиларининг «у ерга кириш осон бўптими, фалончилар отнинг калласидек пулни кўтариб, одам ахтариб юрибди», деган гапларидан кейин кўнглимга гашлик чўкканди. «Лицейни аъло баҳоларга тугатган ўғлим ўтолмай бўйнини эгиб қайтса-я. Аслида баланд дорга осилмасдан ҳужжатларини бундайроқ институтга топширганни маъқулмиди». Кўнглимдан кечган ўй-фикрларни дадасига айтганимда ўришиб бергандилар.

— Қанақанги одамсиз, мунча ваҳима қиласиз, — дегандилар у киши куюниб. — Тўғри, ўғлини қинғир йўллар билан ўқишга жойламоқчи бўлиб тиришаётганлар ҳам йўқ эмас. Лекин тест саволларига тўғри жавоб топган иқтидорли, билимли болаларнинг балини ҳеч ким пасайтириб қўёлмайди, тушундингизми?!

Шу боис қолиб ота-бола қаршисида хижолат чекаётган бўлсам-да сирни бой бергим келмади.

— Мен ҳам ўқишга киролмайди, деганим йўқ-ку, — дея шоша пиша ўзимни оқлашга ҳаракат қилдим. — Энди, шайтон ҳар хил хаёлларга бошлади-да. Бундан буён ҳам худо ҳамиша омадингни берсин, ўғлим.

... Куз ўтиб қиш келди. Декабрь ойи охирлари эди чамаси. Кечга яқин Моҳирбек Тошкентдан уйга телефон қилиб қолди. «Ая, телевизорни кўрдиларингми, газетани ўқидиларингми? — деди у салом аликдан кейин қувноқ кайфиятда. «Тинчликми, нима гап», дедим. Президентимизнинг Фармонлари билан иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш учун «Умид» жамғармаси тузилди. Танловга иккинчи курсдан қабул қилишаркан. Янаги йилга ҳужжатларимни албатда топшираман.

Кечагина оиламиз давраси-да шу ҳақда гап борганди. Дадаси газетадан «Умид» жамғармаси тузилганлиги ҳақидаги фармонни ўқиб бериб, «онаси, Моҳирбек чет элга ўқишга жўнаворса-я, дегандилар. Шу боис «ҳа, хабаримиз бор, дедим ўғлимнинг қувончига шерик бўлиб: «Илойим ниятингга ет, болам».

Биринчи курсни муваффақиятли тугатган Моҳирбек танловда иштирок этиш учун ёзданоқ тайёргарликни бошлаб юборди. Янги ўқув йилининг бошларида ҳозирлик кўриши учун қулайлик яратишни ўйлаб университетнинг рўбарўсидаги «дом»дан ижарага квартира олиб бердик. Уша йили қишги сместр имтиҳонларини топширгандан кейин Моҳирбек уйга телефон қилиб қолди. «Ая, синов, имтиҳонларни яхши топширдим, лекин дам олгани уйга боролмайман. «Умид»га қаттиқ тайёргарлик кўришим керак. Мендан хавотир олманглар.

Январ ойининг бошларида ўзимиз — дадаси, мен, қизим Тошкентга бордик. Ўғлимнинг уйқусизликдан киртайиб кетган кўзларига термулиб юрагим ачиб кетди.

— Вой ўғилгинамей, нима қиласан ўзингни бунчалик қийнаб. Уқиётган жойинг ҳам чет элдаги университетлардан қолишмайди, ойнага қара, бир бурда бўлиб қолибсан, энг биринчи соғлигингни ўйлагин.

— Саломатлик зўр, ая. Лекин тўғри, бир икки кило озидим. Мана, Дилшод бир ойнинг ичида уч кило озибди, — деди у билан бирга туриб «Умид»га бирга тайёргарлик қураётган фарғоналик дўстига кулиб қараб. — Ҳечам хавотир бўлманглар. Тайёргарлик кўриш биздан, дуо қилиб туриш сизлардан. Худо хоҳласа ё Америкага ёки Англияга борамиз.

Орадан кўп ўтмай (Февраль ойининг бошлари эди) «Умид»чиларнинг имтиҳонлари бошланди. Тошкентга борганимизда Моҳирбек: «Тўртта босқич бўйича имтиҳондан ўтамиз. Биринчиси чет тилидан бўлади. Иккинчи босқичда мутахассислигимиз бўйича тест синовлари топширамиз. Ундан кейин маънавият-маърифат бўйича суҳбатдан ўтамиз. Охирги, тўртинчи босқичда чет элик мутахассислар хорижий тилни, грамматикасини қандай ўзлаштирганимизни имтиҳон қилишади. Сўнгра умумий кўрсаткичлар бўйича якуний бал эълон қилинади», — деган эди. Ўғлимиз ҳар бир босқичдан ўтганда уйга қўнғироқ қилиб олган балларидан бизни ҳам бохабар қилиб турди.

Гапнинг тўғриси биз, аёллар ҳар хил миш-мишларга ишонувчанроқ бўламиз. Уша пайтларда «чет элга ўқишга борадиганларнинг рўйхати олдиндан тайёрлаб қўйилармиш. Имтиҳон шунчаки расмиятчилик учунмиш. Хорижга фақат министрларнинг, пулдорларнинг болари борармиш», деган гаплар қулоғимга чалиниб кўнглим яна бир оз хижил бўлган эди. Лекин гап эшитишдан чучиб дадасига бу ҳақда индамаганман.



1998 йилнинг 10 июль куни (бу кун хотирамга муҳрланиб қолган) чошгоҳга яқин телефон жиринглади. Гўшакни кўтариб «ало» дейишим билан ўғлимнинг «Ая, ўтдим», «Умид»дан ўтдим, деган ҳаяжонли, қувончли товушини эшитиб юрагим хипириқиб кетди. «Дилшод ҳам ўтди», «Умид»жамғармаси бошқаруви раиси Рустам Азимов ҳаммамизни табриклади. Гувоҳномани олишим билан уйга бораман.

Дарҳақиқат орадан уч кун ўтгач Моҳирбек бир олам қувонч билан уйга кириб келди.

— Мана, — деди у ҳаммамиз билан қучоқ очиб кўришгандан сўнг мустақил Ўзбекистонимизнинг байроғи, герби акси туширилган гувоҳномани қўлимга бериб. Мен кўзимда қувонч ёшлари билан гувоҳномадаги ёзувларга кўз югиртирдим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси совриндори Зоҳидов Моҳирбек Америка Қўшма Штатларининг Тулан Унверситетида менежмент ва маркетинг мутахассислиги бўйича бакалавр унвони учун таълим олиш ҳуқуқига муяссар бўлди.

Р. Азимов,
«Умид» жамғармаси бошқаруви раиси.

— Мана бу соат ҳам бизга, — деди у қўлидаги мўъжаз қутичани очиб.

— Ажойиб экан. Соатни авайлаб кўлимга олдим.

— Ичига эътибор беряпсизми? Моҳирбек ғуруғ ва ифтихор билан кўрсатди. — Президентимизнинг имзолари бор. «Умид»дан ўтганларга буюртма билан тайёрланган.

Шундагина юртбошимизнинг имзоларига кўзим тушди.

— Ниҳоятда табаррук соат экан. Эҳтиёт қилгин, — дедим ҳаяжонланиб.

Июль ойининг охирларида пойтахтимиз Тошкентнинг муҳташам Туркистон саройида «Умид» жамғармаси совриндорлари, уларнинг ота-оналарини муборакбод этишга бағишланган тантанали анжуманга таклиф этишди.

— Ниҳоятда зўр бўлди. Сиз ҳам борсангиз бўларкан, — дедилар дадаси анжумандан қайтгач. — Мен ўнлаб ота-оналар билан суҳбатлашдим, танишдим. Ишонасизми, «Умид»дан ўтган ёшларнинг саксон фойизи бизга ўхшаган оддий оилаларнинг фарзандлари экан. Тўғри, катта-катта лавозимларда ишлайдиганларнинг ўғил-қизлари ҳам бор. Лекин улар ҳам ота-онасининг пули, мансаби туфайли ўтганмас. Ҳақиқий иқтидорли бўлганлари учун ғолиб бўлишган.

Мен анжуманда иштирок этолмаган бўлсамда тантанали маросимни телевизор орқали кўрдим. Юртбошимизнинг «Умид» жамғармаси совриндорларига йўллаган табрикномаси уқиб эшиттирилганда қалбим қувончга тўлиб дил-дилдан шукроналар айтдим.

Албатта, Моҳирбекнинг хорижда таҳсил олиш бахтига муяссар бўлганлиги билан оиламизни қариндош уруғлар, ёрдўстлар муборакбод этишди. Лекин рўй-рост айтадиган бўлсам, барча ўзбек оналари каби мен ҳам фарзандимнинг бағримга яқинроқ жойда бўлишини, тез-тез дийдорлашиб туришимизни хоҳлайман. Мени қувонтирган, тўлқинлантирган нарса унинг чет элга ўқишга жўнаётганлигигина эмасди. Мен ўғлимнинг чеккан захмати, риёзати самара берганлигидан, унинг орзу умидлари рўёбга чиқаётганлигига шоҳид бўлаётганлигимдан бахтиёр эдим.

... Мана, бугун, ўқишни давом эттириш учун яна Америкага жўнаб кетган ўғлим билан телефон орқали сўзлашган хуш лаҳзаларда хаёлимдан кўп нарсалар кечди. Албатда Моҳирбек биринчи йили хорижга жўнаб қарийб ўн ойдан кейин таътилга қайтган кун ҳаммамиз учун байрам бўлган эди. Мен ундан уердаги шароит, турмуш тарзи, урф-одатлари тўғрисида кўп сўраганман. Шунда у кулиб, «Ая, бир икки оғиз гап билан тушунтириб бўлмайди. Америка бой, қудратли давлат, халқи фаровон. Лекин барибир Ўзбекистон Ўзбекистон-да! Биздагига ўхшаган меҳр-оқибат, одамгарчилик, меҳмондустлик менимча ҳеч қайси миллатда йўқ.

— Менга қара, шундай катта университетда тошкентлик Акмалжон, Давронжону сен, бошқа боа йўқми? Уни яна саволга тутаман.

— Э, ая, шунисига минг марта шукур. Биласизми, Америкада минглаб университетлар бор. Баъзиларида Ўзбекистондан фақат, бир киши ўқийди. Лекин биз, «Умидчилар вақти вақти билан «чойхонага» тўпланишиб гаплашиб турамиз.

— Чойхонага дейсанми? Ҳангу манг бўлиб қолдим. Америкадаям чойхоналар борми? Қандай килиб...?

— Биздагига ўхшаган чойхонамас. Ўғлим яйраб кулди-да тушунтира кетди. — Америкада Интернет тизими ниҳоятда ривожланган, Унга телефонга ўхшаган шатрум жойлаштирилган. Ўзбекистондан борган биз, «Умид»чилар уни «чойхона» деб атаб юртимиз тўғрисидаги керакли маълумотларни киритганмиз. Компьютерга сўзингизни ёзиб хоҳлаган дўстингиз билан гаплашишингиз мумкин. Лекин фақат ёзув билан, суҳбатдошингизнинг гапини эшитмайсиз.

* * *

Август ойи бошларида Данғарага шундоқ чегарадош бўлган Қўқон шаҳрида унутилмас шодиёна бўлди. Бир куни эрталаб «Умид» жамғармаси совриндорларидан бири — қўқонлик Ойбекжон уйимизга кириб келди.

— Ўйланяпман, 31 июль куни тўй, — деди у салом аликдан кейин бир оз қизариб.

Ойбекжон ҳам ўзимизга ўхшаган зиёли оиладан. Онаси ўқитувчи, отаси қурилиш ташкилотида ишлайди. Оилавий борди келдимиз бор. Тўй бўлгани яхши, лекин магистр унвонини олиш учун Ойбекжон яна бир йил ўқиши керак. Шуларни ўйлаб ҳайрон бўлдим.

— Келин Намангандан, — деди таажжубланаётганлигимни сезган кўёв бола изоҳ бериб. — Дилбархон Акселс йўлланмаси билан АҚШ га ўқишга борган экан. Уша ерда танишиб қолдик. Дилбархон бу йил университетни тугатди.

Ойбекжон бир оз сукут сақлаб тургач қувонч билан қўшимча қилди:

— Президентимизни тўйимизга таклиф этиб таклифнома жўнатган эдим. Қўлларига етиб борибди. Кеча ҳокимиятга чақиришди. Табриклагани девондан вакиллар келаркан.

Шунда Президентимизнинг шу йил апрель ойида АҚШга қилган ташрифларида у ерда таҳсил олаётган ёшлар билан учрашиб «тўйларингга айтсаларинг албатда бораман», деган гаплари ёдимга тушди. Оддий талабанинг юборган таклифномасига шунчалик эътибор қилишганидан ҳайратга тушдим, таҳсинлар ўқидим.

Дарҳақиқат, Ойбекжон билан Дилбархонларнинг тўйлари бутун Қўқон аҳлининг шодиёнасига айланиб кетди. Тўйга Республикамизнинг кўпгина шаҳарларидан «Умид»чилар — Ойбекжоннинг дўстлари ташриф буюришди. Уша куни Президент девонининг масъул ходимлари — Мурод Муҳаммад Дўст, Ҳайриддин Султоновлар вилоят ва шаҳар ҳокимлари иштирокида келин-куёвга Юртбошимизнинг совға-саломларини топширишди. Айниқса Хайриддин Султоновнинг табриги, дил сўзлари тўйхонага йиғилганларни ниҳоятда тўлқинлантириб юборди.

— Президентимиз тўйларингга келишни жуда истадилар, — деди Хайриддин Султонов келин-куёвни табриклаб. — Лекин хориждан келган меҳмонларни қабул қилишлари лозимлиги боис вакил этиб бизларни жўнатишди. Биз Ислом Абдуғаниевичга «Умид» йўлланмаси билан хорижий мамлакатларда мингга яқин ёшлар таҳсил олишяпти. Энди уларнинг ҳар бири Сизни тўйларига таклиф қилишаверади», дедик. Шунда Юртбошимиз хурсанд бўлиб «Майли, таклиф қилишаверишсин, имконият топсам ўзим бораман, бўлмаса сизларни вакил қилиб жўнатаман, дедилар.

Бир куни кечкурун юртбошимизнинг жон куйдириб қилаётган маърузаларини телевизор орқали кўриб, тинглаб ўтирганимизда Моҳирбек шундай деб қолди:

— Америка қудратли, катта давлат бўлгани билан бу мамлакатни бошқариш қийин эмас. Чунки юз йиллар давомида жуда кўп қийинчиликларни бошидан кечирган бу юртда ҳозир ҳамма нарса изга тушган, иқтисодий жиҳатдан зўр. Ҳозирги шароитда бизнинг Президентимизга осонмас. Худо хоҳласа тезроқ ўқишни битириб келайлик, ишлаймиз.

Мен ўғлимнинг биргина ишлаймиз деган сўзи замирида юртбошимизга қанот, суянч бўламиз, шу азиз Ватан истиқболи йўлида жонимизни ҳам аямаймиз, деган маънони туйдим.

Гоҳида ўғлимни соғиниб кетсам китоб жавонини очиб олис Америкадан юборган суратларига термуламан. Кулиб турган чеҳрасига боқиб хаёлан у билан гаплашаман. «Илоҳим ҳамма орзу умидларингга етгин, болам. Нене муҳтабар, улуғ зотларга бешик бўлган шу азиз юртимизни гуллаб-яшнатиш иштиёқида ёнаётган фидойи ўғлонлар сафида борлигингдан қувонаман. Сен менинг фахрим, ифтихоримсан, ўғлим.

Жамилахон ТЎРОНОВА,
Фарғона вилояти, Данғара тумани.

СУРАТДА: Моҳирбек (ўнгда) тошкентлик дўсти Давронбек билан.

◆ БМТ Бош котиби Кофи Аннан Токиода Япония Бош вазири Кейдзо Обути билан музокаралар олиб боради ва император Акихито билан учрашади.

◆ Шу кунларда Арманистон ҳукуматининг янги таркиби эълон қилиниши керак. Бироқ янги Бош вазир А. Саркисян билан Президент Р. Кочарян ўртасида бир қатор қуролли вазирликлар раҳбарлари номзоди хусусида келишмовчиликлар пайдо бўлди.

◆ Индонезиянинг янги Президенти Абдураҳмон Воҳид Малайзияга ташриф билан жўнаб кетди.

◆ Парагвай билан Куба ўртасида 1961 йилдан буён тўхтатиб қўйилган дипломатик муносабатлар қайта тикланди.

◆ Берлинда Берлин девори қулаганлигининг 10 йиллиги муносабати билан тантанали тадбирлар бўлиб ўтди. Унда АҚШнинг собиқ Президенти Ж.Буш, ГФРнинг собиқ канцлери Г. Коль ва собиқ СССРнинг собиқ Президенти М. Горбачев қатнашди.

◆ Жанубий Корея билан Монголия ҳукуматлари ўртасида табиий заҳираларни ҳамкорликда қайта ишлаш тўғрисидаги Битим имзоланди.

◆ Германияда Польша, Венгрия, Чехия ва Словакия Президентларининг Европа Иттифоқини кенгайтириш юзасидан учрашуви бўлиб ўтади.

◆ Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн ан-Нажаф шаҳ-

Прага шаҳри. Палтава дарёси соҳилининг кўриниши.

рида мамлакат диний уламолари билан учрашувда 1990 йилда Ироқнинг Қувайтга тажовузи туфайли минтақага киритилган АҚШ ҳарбийларини Форз кўрфазидан чиқиб кетишга мажбур қилиши мумкинлигини айтди.

◆ БМТ Бош котиби Кофи Аннан Хавфсизлик Кенгашига халқаро ҳамжамиятнинг Тожикистондаги кузатувчи миссияси мандатини навбатдаги олти ойга — 2000 йил 15 майга қадар узайтиришни маслаҳат берди.

◆ Халқаро валюта фондининг ижрочи директори М. Камдессю эгаллаб турган лавозимидан кетишга қарор қилганлигини айтди. У бу истеъфо сабабини айтмади.

◆ Жаҳон банки Хитойнинг Хуанхэ дарёсининг сув ва тупроқ заҳираларини сақлаш борасидаги лойиҳа ижросини таъминлаш учун 150 миллион АҚШ доллари ажратди.

◆ Истанбулда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар нодавлат ташкилотлари вакилларининг учрашуви ниҳоясига етади. Унда XXI асрда Европа Хавфсизлиги хартиясининг имзоланиши кутилмоқда.

◆ Парижда Социалистик интернационалнинг XXI съезди бўлиб ўтмоқда. Унда жаҳоннинг 140 дан зиёд мамлакатидан социалистик ва социал-демократик партияларнинг делегатлари иштирок этмоқда.

◆ Нью-Йоркда бўлиб ўтган кимошди савдосига АҚШнинг собиқ Президенти Жон Кеннединнинг буюмлари қўйилди. Президентга ихлоси ўта баланд кишилардан бири унинг 30 метрлик яхтасини 942 минг долларга харид қилди. Президент ўлимидан аввал фойдаланган галстук қистиргичи 26 минг долларга сотилди.

Олимжон БЎРИЕВ
Жаҳондор БЎРИЕВ

АЛП ЖАМОЛ

(ДОСТОН)

Аллоҳим ўзингга мингдан-минг шукур,
Дилимга завқ бердинг, кўзларимга нур.
Яратиб ўн саккиз минг гўзал олам,
Пайдо қилдинг Еру Осмонлар, Одам!
Бу ёруғ дунёга келгувчи инсон,
Сенинг шукуринг ила дилида иймон,
Яшаса пок дилдан айлаб ибодат,
Ҳалол меҳнат қилса топгай саодат.
Сенинг ҳикматингга офарин, олқиш,
Сенингсиз битмагай одамда ҳеч иш!
Бировни айладинг давлатманду бой,
Бировни айладинг фақиру гадой.
Бу ёруғ оламнинг мулку баноти,
Қошингда мисоли пашша қаноти.
Бу фоний дунёда синов майдони,
Севган бандаларга мулки бақони —
Саодати абад эгтайсан тортиқ,
Сени ким суйса гар жонидан ортиқ.
Бино бўлибдики бу ёруғ жаҳон,
Ҳар инсон дилида яшар бир армон.
Қанча яшамасин ўлар бир куни,
Жонини Азроил олгайдир уни.
Қанча ерни тепиб бўлмасин кибор,
Ер остига кирар ҳар бир жони бор.
Сенинг ҳикматларинг биридир замин,
Бор жонзот ҳаётин айлагай таъмин.
Унда яшаб олар ҳар маҳлуқ роҳат,
Етмас бир озору битта жароҳат.
Бир сўз билан хуллас этсак ифода,
Ер инсон онаси ёруғ дунёда.

Боқиб едиради, кийинтиргай ҳам,
Парвосиз айланиб курраи олам.
Фарқи йўқ сен кимсан гадоми ё шоҳ,
Сенга ўз бағридан ер беради жой,
Кейин эшитилмас фиғон, оху вой!
Қардошларинг гарчи тутади мотам,
Сенинг манзилинг-чи, эҳ, ўзга олам.
Ҳақиқат олами, огоҳ бўл бирок,
Унда ўзгачадир қийноғу сўрок.
Шу боис яхшилик, ҳам кори савоб,
Тоат-ибодату Ватанпарварлик,
Улусга яхшилик, соҳибҳунарлик.
Етимлар ҳақига етказмай зиён,
Софу ҳалол яшаб ўтган ҳар инсон.
Макони бўлгуси Фирдавси барин,
Нозу неъматга ғарқ, маснади зарин.
Яхшилик қилишга шошил, эй, одам,
Бошингга тушмагай кулфат, қайғу ғам.
Ҳам амал қил доно айтган сўзига,
Ҳар ким нима қилса қилгай ўзига.
Яхши ё ёмонлик шевасин айтар,
Ҳар икки дунёда огоҳ бўл, қайтар.
Буюк аждодларни хотирлаб ҳар он,
Десак бизлар агар палону пистон.
Бир савол янграгай, аждодинг буюк,
Савоб ишлари-ла саналгай суюк.
Ўзинг нима қилдинг, жавоб бер инсон,
Ғурурланиш ила иш битмиш қачон?
Улуғ аждодларнинг изини босиб,
Юрганда бўлдингми ворис муносиб?
Мақтанишдан кўра ҳар амалиёт,
Инсоннинг қадрини айлагай зиёд.
Чўмичга чиқади бўлса қозонда,
Туриб тавалло, қил Ҳаққа азонда!
Эй инсон, доимо сўнг ўзингни бил,
Кўлингдан келса гар яхши ишни қил.
«Беҳуда ишларга уринма ҳеч ҳам,
Жаҳонда бир иш қил, лекин мустаҳкам.
Саводсиз сўфиларга бўлма улфат,
Касофатлар солар бошингга кулфат.
Китобхонликни доим айла одат,
Китобхонлик бу оламда саодат.
Аввал илму амалдан бахравар бўл»,
Кейин дунё ишидан бохабар бўл.
Замона ўғлисан қай бир замонда,
Яшасанг боқ сен тийрак жаҳонга.
«На нодон сингари банди падар бўл,
Отангдан кечу фарзанди ҳунар бўл».
Буюклардан буюклик орзу этмак,
Тахайюлда улар фикрига етмак,
Эрур оғир ва лекин турфа ҳолда,
Йигиту қиз ҳар кампиру чолда,
Эрур орзу ҳавас бирдан баробар,
Худоё бергил илҳом саросар!
Қилай оғоз достон Алп Жамолга,
Изоҳи йўқдир гар шарҳи ҳолга!
Самою ерни измига қаратган,
Руҳини шод этгайдир Яратган!

* * *

Тошкенти азимким, катта бир қишлоқ,
Шаҳарлашган маъво кўп суту пишлоқ.
Бойлар бу шаҳарни этишиб маскан,
Биною сайровлар қуриб яшашган.
Авваллари номи аталгандир Шош,
Бир пайт Темурбек ҳам уриб келган бош.
Ярадор бўлганда олиб жароҳат,
Шу шаҳарда топиб сўнг жони роҳат,
Тузалиб, оламга бўлган ҳукмдор,
Ҳамон тошкентликлар қилгай ифтихор.
Чингизхон ҳам аввал бу ҳокни босиб,
Ўтган мазлумларни дорларга осиб.
Соҳибқирон Темур ўтиб оламдан,
Турон бош кўтармай қолган мотамдан.
Шоҳрух, Улуғбек, Бойқародан сўнг,
Мирзо Бобур чиққан наъра тортиб чўнг.
Тоғаси Маҳмудга бўлиб у меҳмон,
Шу кетишда кетган кейин Ҳиндистон,
Жуғрофик қулай бу мўъжиза шаҳар,
Рости гап бўлгандир кўп зеру забар.
Гуллаб-яшнайверган яна дафъатан,
Келиб-кетаверган булбул, ғоз-заган.
Охир юртдан кетиб барака, шараф,
Ўрислар бостириб келган бу тараф.
Туркистон ўлкаси хонхаробе,
Руссияга бўлгач тамоман тобеъ,
Улар пойтахтига айланган Тошканд,
Қизиллар қолгунча то этиб парканд.
Айни шу пайтлардан бу олам ҳодис,
Сўз бошласак бўлган достонга жоиз.
Тошкентда шул пайтлар яшаган бойлар,
Қуриб данғиллама ҳовли, саройлар.
Эл таноби бўлган улар кўлида,
Яхши-ёмон бари Аллоҳ йўлида.
Бурчини бажарган айлаб тижорат,
Солмаган бировга талону ғорат.
Бошини ишлатган одам бой бўлган,
Уларнинг пичоғи доим мой бўлган.
Фақиру бенаво камбағаллар ҳам,
Яшашган бу дунё бири дея кам.
Солиҳбой, Азимбой, Мирзакаримбой,
Яна юзлаб шундоқ тўкис, яримбой,
Ҳамда савдогарлар суришиб карвон,
«Ипак йўллари»дан юришган равон.
«Чувалачи» деган маҳаллада бир,
Яшаган бадавлат ҳамда доно, пир,
Моли ҳоли бўлган жудаям бисёр,
Ўзи бўлган лекин солиҳ, тақводор.
Миразимбой номли бу шахси боён,
Айтиб қисматига шукрона шоён,
Бандалик фарзини тўкис бажариб,
Бу дунёдан ўтган чоғида қариб,
Асомиддин деган фарзанди қолган,
Отамерос мулкни илкига олган.
Умр дарё каби ўтгайдир оқиб,
Инсон лол яшагай оламга боқиб.
Ота-она ўтар туғилар фарзанд,
Таянч тоғ ўрнида азиз жигарбанд
Бир сўзли, мард, ўта камтарин инсон,
Илм-маърифатли, соҳиби даврон.
Тошкент мадрасаси ул Кўкалдошда,
Ўқиб таҳсил олган қунт ила банда.
Маърифат зиёсан симиргач қониб,
Қалбида илоҳий ҳикмат уйғониб.
Қуръонни қироат айлаганда ёд,
Мархум аждодларин руҳин этган шод!

(Давоми бор).

Сабоқ

ОҒЗИГА ОЛТИН ҚУЙИЛГАН БОСҚИНЧИ

Ривоят киладиларки, эрамиздан олдинги I асрда яшаган Рим лашкарбошиси Красс ўз қўшини билан кўпгина мамлакатларни босиб олади. У ниҳоятда талончилиги ва қонхўрлиги билан ном чиқарган эди. Красс ўша пайтда Ўрта Осиё ҳудудида бўлган Парфия давлатига ҳужум қилади, аммо парфияликлар унинг қўшинларини тор-мор қилиб, ўзини асир оладилар. Красснинг бошини Парфия шоҳи Урудга олиб келганларида шоҳ олтинни эритиб, босқинчининг оғзига қуйдиради.

Ўрта асрнинг машҳур итальян шоири Данте Алигьери ўзининг «Илоҳий комедия»сида шоҳ Уруднинг Крассга қилган хитобини шундай ёзади:

Сездингми олтиннинг таъмини, Красс?
Сен, ахир, биласан, буни тараф йўқ!

Ҳа, бу ривоят ва мисралар босқинчиликка берилган тарих сабоқларидан биридир.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

Бугунги Тошкент.

Рустам Шагаев олган сурат-лавҳа.

ИЙМОН КАЪБАСИНИ ВАЙРОН ҚИЛМАНГ

ҚИРҒИЗБОЕВ Дилмурод Кенжаевич «Адолат» газетасининг ижтимоий адолат ва ҳуқуқ бўлими мудири вазифасида иш бошлади. У Қирғизистоннинг Ўш вилояти Аравон туманида таваллуд топган.

«Ўзбекистон овози» газетасида мусаҳҳиҳликдан масъул котиб ўринбосаригача бўлган вазифаларда ишлади. «Халқ сўзи» газетасида масъул котиб ўринбосари, «Қишлоқ ҳаёти»да ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими мудири лавозимида ижод қилди. Узининг публицистик чиқишлари, шеърлари, фельетонлари, ўткир танқидий мақолалари билан муштарийлар назарига тушган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг «Давлат ва жамият қурилиши» факультетини битирган.

Заҳматкаш, шижоатли ва ғайратли, ўзи пок, сўзи пок. Адолат ва ҳақиқат йўлида ҳар қандай қаршиликларга зарба беришга одатланган. Устози Мақсуд Қориевнинг таъбири билан айтганда, ҳамиятли ва виждони уйғоқ ижодкор.

Ўнта гўзал хислат одамга бахт-саодат келтиради: ҳаё, мурувват, садоқат, тавозе, меҳнат, саҳийлик, номус, омонатга вафо, адолат, хилимлик ва шижоат. Ўнта ёмон хислат эса инсонни ҳалокатга етаклайди. Ҳасад, адоват, бахиллик, ёлғончилик, мунофиқлик, чақимчилик, қиёнат, ҳоҳиллик ва ялқовлик. Шу ўн гўзал ҳислатли одамни ўнта ёмон ҳислатли одамга айлантириб қўядиган оғулардан бири ичкиликдир.

Не-не обрў-эътиборли кишилар ичкиликни ортиқча суюши оқибатида кўз ўнгимизда хору зор бўлди. Гулдай-гулдай оилалар инқирозга юз тутди. Зурриёдлар шу оғу туфайли майиб-мажрух бўлиб тўғилди майиб-мажрух бўлиб тўғилди.

Ичкилик оқибатида содир бўлаётган автоҳалокатлар юзлаб одамларнинг бевақт ёстиғини қуритмоқда. Ичкилик касофатида айрим эркаклар аёлшода бўлиб қолдилар. Орсиз, номуссиз, жамоа орасида уят сўзларни оғзига олиб қаршисидагини хақоратлаётганларнинг кўпи маст-аластлар. Кўп ичадиган билан ичмайдиган кишилар ўртасидаги маънавият деб аталган харир парда бора бора тилка-пора бўлмоқда.

Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани «Мароканд» жамоа хўжалиги Даштисухта қишлоғида яшаган Раҳмонқул Амонов шундай бебурд ичкиликбозлардан. У аввал ҳам ичиб олиб хотинини уриб, пичоқ ўқталиб қўрқитгани учун судланган эди. 1999 йилнинг ўн учинчи апрель куни яна эски хунарини қилди. Ўз пушти камаридан бўлган гулдай-гулдай беш нафар фарзанди, умид билан бир ёстиққа бош қўйган рафиқаси кўзига кўринмади. Энди ноинсоф отанинг кейинги пушаймони ўзига душман бўлди. Ўз ўғли Фармонни пичоқлаб қўйди.

Афсус, минг афсус, эллликка кирган ароққўр ота фарзандлари қучоғида, дастурхон атрофида эмас, маҳкумлар қаторида жазо муддатини ўтаётир.

Эркакларнинг нигоҳи қадалгач, хирсини жунбушга келтириши табиий ҳисобланган нозик жойларини кўз-кўз қилишдан хузур-ҳаловат олишга мойил қиз-аёлларнинг деярли барчаси ичкиликка ружу қўйганлар. Улардан вафодор рафиқа чиқадими? Хушторининг ҳамёнига кўз тикадиган енгилоёқ аёлларнинг кўпайиб бораётганидан ташвишга тушаётганлар билан суҳбатлашинг: юракларингиз безиллайди.

Айрим ёш қизлар ичкилик оқибатида ўз иймон-ихтиёрини, номус пардасини ширакайф эркаклар қўлига топшириб, умрбод бадном бўлиб, иснодга қолмоқдалар.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларнинг ижтимоий келиб чиқишини суриштирганимизда кўп ҳолларда уларнинг ота-оналари адои тамом бўлган ичкиликбозлар экани аниқланди. Ичкилик офатига дучор бўлганлар интизомсиз, давр ва замон талабларини бажаришнинг уддасидан чиқа олмайдиган бўлиб қолади. Улар кўп гапирадиган, очкўз ва уйқучига айланиб қолганини сезмайди. Бойни камбағал, камбағални эса гадо қилган бало ҳам ичкилик. Ҳайронсан, гўё ичмаса айримларнинг иши битмайди. Бу «ароқсевар»ларнинг «муқаддас» шоиридир.

> ● *Ичкибозлик — ёмон иллат*

Ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари маълумот беришларича, ажралишаётган эр-хотинларнинг асосий важларидан бири ҳам ичкилик. Қанча-қанча ширин-шакар болалар тирик етимлик азобини тортмоқда. Уволи ароқхўр ота-оналарни тутади-ку!

Бир кеча-кундузда ихтиёримизда йигирма тўрт соат вақт бор. Жуда катта имконият. Қимматли вақтлар ичкилик хуморини босишга кетаётганига ачинасан киши, аммо...

Энг ачинарлиси алпқомат, бардамбел йигитлар ичкилик орқасидан қадди букилиб, қувватлари сароб бўлмоқда. Хулки бузуқ эркак-аёллар кўчадаги хушторини ота-онасидан, турмуш ўртоғидан, фарзандларидан устун билмоқда.

Кўп ичадиган фарзанддан ичмайдигани ота-онасини кўпроқ ҳурмат қилади. Уларни тезроқ соғинадиган, топганидан уларга кўпроқ илинадиган, хушхулқли ва ўткир зеҳнли бўлади. Ота-онасининг ҳурмат-эътиборини жойига қўйиб, кўзи тириклигида дуосини олишга мушарраф бўлмаган эркагу аёлнинг топганига асло барокат кирмайди. Кўп ичадиганлар эса бу бахтдан бенасиб қолади. Ота-онасинингки дуосини ололмаган, ҳурматини жойига қўёлмаган фарзанд қандай қилиб Ватанига содиқ бўлади. Сурункали ичиб падаридан лаънат олганларнинг боғи мевасиз, топгани тотсиз...

Ҳайриятки орамизда хушёрлар, яхшилар кўп. Элиюрти, қариндош-уруғи ва қўни-қўшнилари ичида обрў-мартабали инсонлар жуда сероб. Мана шундай азиз инсонлардан бири Тошкент вилояти Янгийўл туманида истиқомат қилувчи Ўлмас ака Машариповдир. У киши ярим асрдирки узлуксиз раҳбарлик лавозимларида ишлаб келаётир. Қаерда ишламасин тинимсиз меҳнати, ақлу заковати, ота-онасига фарзандлик бурчини рисоладагидек бажаргани, оилани муқаддас билгани, дўстликни қадрлагани, кўп китоб ўқигани, ғайратлилиги ва мардлиги, ширинсўз ва камтарлиги, сахий ва мухтожларга мурувватли туфайли катта обрў топди.

— Эркак кишини икки ёмон одат жарга етаклайди, хароб қилади, улардан бири хотинбозлик, иккинчиси ичкиликбозлик. Бу икки одатдан йироқ юрганим учун ҳам умрим бахтиёрлик билан ўтаётир, — дейди биз билан суҳбатда табаррук етмиш ёшли Ўлмас хожи Машарипов. — Юзлаб шогирдларим чин дилдан устоз дейди. Бундан ортиқроқ роҳат борми дунёда. Турмуш ўртоғим Анорхон хожи онангиз билан фарзандларимиз, набираларимиз, авара-чевараларимизга дуолар қилиб, қарилик нашидасини суришликни бизга насиб этгани учун Оллохга минг шукур.

Ўлмас акадек инсонлар босган изларда гуллар очилаверган...

Ҳамкасбларимиздан бирининг онаси вафоти муносабати билан Тошкентдан Навоий вилоятига кетаётган эдим. Самарқандниг Каттақўрғонида бир йўловчи қўл кўтариб қолди. Суҳбатлашиб кетдик. Ўзини Ахтам Эшқулов деб таништирган йигит самимий, очиққўнгил, замонавий, маданиятли экан. Пахтачи тумани худудига келганимизда, илтимос, отам қабрини зиёрат қилиб кетсак, деб қолди. Зарафшон дарёси бўйидаги азиз ва муқаддас, тарихий Добусия қалъаси ёнидаги қабристондамиз. Ривоятларда айтилишича, қалъа ёнидан ўтган дарё қирғоғида хазрат Алининг панжалари изи бор. Бу излар ҳали ҳануз сақланиб қолгани мўжиза. Бу гўшани бобомиз Амир Темур ҳам тез-тез зиёрат қилган эканлар. Ҳамроҳимнинг айтишича, отаси Исоқул Эшқулов ниҳоятда илмли, камтарин, донишманд инсон бўлган экан. Умрида маст қилувчи ичкилик ичмаган, чекмаган, умрининг охиригача рафиқасига садоқатли ёр, фарзандларига ибратли ва меҳрибон ота бўлган экан. Отаси унга одоб ва илми соҳибликни, ичмасликни, вафодорликни мерос қолдирибди.

Ҳа, азизлар, яхшиларнинг этагидан тутайлик. Муқаддас хадисларимизда барча ёмонликлар калити ичкиликдандир деб бежиз айтилмаган. Умрлар ўтаверади. Одамлар келиб кетаверади. Инсондан яхши деган ном қолади, холос. Шундай экан ичкилик оғусига учиб, иймон каъбасини вайрон қилмайлик!

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
ижтимоий адолат ва ҳуқуқ бўлими мудири.

Ибратли оила

ЭЛ АРДОҒИДА

Каттақўрғон шаҳрининг «Навбаҳор» маҳалласида бир оила бор. Унинг соҳибларини бу ерда билмайдиганлар кам. Мана 30 йилдирки Камол ака ҳам, Сайёра опа ҳам ўзлари севган шифокорлик касбини ардоқлаб келишяпти. Камол ака шаҳар марказий шифохонасининг тери касалликлари бўлимида, Сайёра опа эса шаҳар туғруқхонасининг болалар бўлимида ишлайди. Улар бу даврда қанчадан-қанча кишиларнинг дардига малҳам бўлдилар. Шу боис энг яхши шифокорлар ҳақида қаерда гап кетса ҳамма Камол ака ва Сайёра опаларнинг номларини фахр билан тилга олишади. Ҳа, шифокорлик касби ўта мураккаб ва масъулиятли эканлигини улар чин юракдан хис этишади. Шу боис эр-хотин ҳамкасблар ишидан ташқари уйларида ҳам тиббиётнинг замонавий ютуқлари хусусида ўзаро фикрлашиб турадилар. Уларнинг мақсади бу соҳани янада чуқур ва мукаммал эгаллаб, аҳолига астойдил хизмат қилишдан иборатдир.

Камол ака ва Сайёра опа 30 йилдан буён бирга яшашади. 3 фарзанд, 5 набирининг бобоси-ю, момоси. Ана шу 30 йил мобайнида улар ўртасида хали бирон марта ҳам ортиқча гап-сўз ёки беўрин тортишув бўлгани йўқ. Бирбирини худди Тоҳир Зуҳрадек ардоқлашади.

Кунларнинг бирида Камол акадан Сайёра опа билан қандай танишиб қолишгани ҳақида сўраб қолдим.

— Биласизми, — деди Камол ака ёшлик йилларини эслаб, — Сайёра опангиз билан Самарқанд тиббиёт институтида бирга таҳсил олганмиз. Талабалик йилларида Сайёранинг жамоат ишларидаги фаол иштироки, унинг билимдонлиги ва камтарлиги, ўзбек қизларига хос муомаласи қалбимда ёрқин из қолдирди. Суриштирсам соҳибқирон Амир Темур ватани Шаҳрисабздан экан. Танишиб олганимиздан сўнг, турмуш қуришга келишиб олдик. Худога минг қатла шукр: катта ўғлим Фурқат шаҳар туғруқхонасининг болалар бўлимида шифокор. Қизим Дилфуза шаҳардаги 11-мактабда директор ўринбосари, Улуғбек халқ хизматида, келинларим ҳам турли касб эгалари. Оиламизнинг камолида Сайёранинг хизмати катта.

Каттақўрғонда Сайёра Шукурова ҳақида кўп ота-оналар доимо яхши сўзларни айтишади, жамоаси эса минг бир фарзанднинг онаси дея олқишлайди. Бунинг боиси бор албатта. Фарзандлари боис тиббий маслаҳатга эҳтиёж сезган кўпчилик ота-оналар Сайёра опага мурожаат қилишади. Опа гўдакнинг соғлиғини мустаҳкамлаш учун елиб-югуради. Қўлидан келган хизматини аямайди.

Яқинда «Навбаҳор» маҳалла аҳли, шаҳарнинг бир гуруҳ, шифокорлари Камол ака ва Сайёра опалар хонадонига тўпланишди. Дастурхон атрофида бир пиёла чой устида Камол Анзиратовнинг 60 йиллик ва Сайёра Анзиратованинг 55 йиллик юбилейини нишонладилар. Бир гуруҳ ҳамкасблар, қавм-қариндошлар, дўсту биродарлар сўзга чиқиб, баракали умр кўраётган, ўзларининг беқиёс хизматлари билан кўпчиликнинг олиқишини олган Камол ака ва Сайёра опани самимий муборакбод этдилар.

Ҳа, элга халол хизмат қилган одам хамиша эл ардоғида бўлади. Камол ака ва Сайёра опалар эса эл севган кишилардир.

Асқар ЖАЛИЛОВ,
«Адолат» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 9 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сумга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 АҚШ доллари — 137 сўм 76 тийин.

Муаммолар тақвими

(15 ноябрдан — 22 ноябргача)

● **ҚЎЙ** — Тижорат бобида дўстларингиз билан тузган режаларингиз ушбу кунларда ўз самарасини беради. Жумадан якшанбагача ишларда чалкашликлар ва кутилмаган муаммолар юз бериши кутилмоқда.

● **БУЗОҚ** — Ўйлаган ишларингизни жума кунигача битиришга ҳаракат қилинг. Яқин кунларда янги касб муҳитига тушишингиз мумкин. Яна шуни назарда тутинг! Тушунмовчиликлар, низолар юзага келиши кутилмоқда.

● **ЭГИЗАКЛАР** — Агар гина-кудуратларга эътибор бермасангиз душанба, жума ва дам олиш кунлари ишларингиз ўнгидан келиши мумкин. Ҳафта кўпгина кўрсаткичлар бўйича сиз учун омадли келади. Рўзгор икир-чикирлари, низоли вазиятлар душанба ва сешанба кунлари безовта қилиши мумкин.

● **ҚИСҚИЧБАҚА** — Оилангизда баъзи бир муаммолар безовта қилиши эҳтимол. Шанба ва якшанбага ҳеч қандай ишни режалаштирманг. Шамоллаб қолишдан эҳтиёт бўлинг.

● **АРСЛОН** — Тадбиркорлик ва тижорат билан боғлиқ бўлган сафарлар омадли бўлиб, олди-сотди ишларингизда даромад келтиради. Пайшанба ва жума куни сизга кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган таклиф кутилмоқда.

● **ПАРИЗОД** — Ушбу ҳафта сиз учун зиддиятли бўлиши кутилмоқда. Масалаларни жума кунигача ҳал қилишга ҳаракат қилинг ёхуд бошқа вақтга қолдиринг. Дам олиш кунлари харид қилишда алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Шамоллашдан сақланинг, соғлиғингиз ҳақида қайғуринг.

● **ТАРОЗУ** — Кучингизни тижорат фаолиятига, ақлий меҳнатга жалб қилинг. Ушбу кунларда таваккал қилиб, турли ишларга қўл урманг, айниқса олди-сотди билан боғлиқ тижорат ишларидан узоқроқ бўлганингиз маъқул.

● **ЧАЁН** — Қийинчиликлардан чўчиманг, ҳар қандай ишни режа асосида бажаринг. Тадбиркорларни эса яхшигина даромад кутмоқда.

● **ЎҚОТАР** — Илгари бажарилмай қолган ишларни охирига етказиш учун имконият туғилади. Бунда эски танишларингиз ёрдами ва маслаҳатига суянинг.

● **ТОҒ ЭЧКИСИ** — Ҳафта бошида қиладиган ишларни режалаштириб олинг. Чет эл сафари билан боғлиқ саёҳатларга чиқиш эҳтимоли бор. Шамоллашдан эҳтиёт бўлинг.

● **ҚОВҒА** — Ушбу кунларда молиявий-моддий масалалар бошингизни бироз қотириши мумкин. Барча имкониятларни ишга солиб, муаммоларни бартараф этишга ҳаракат қилинг.

● **БАЛИҚ** — Ишбилармон ва тадбиркорларни турли учрашувлар кутмоқда. Фойдали шартномаларни имзолашга эришасиз. Дам олиш кунларини оила даврасида ўтказганингиз маъқул.

АДОЛАТ
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Акбархўжа РАҲИМОВ, Каримжон РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Равшан ҲАЙДАРОВ, Мурод КАЛОНХОНОВ, Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Котибият — 136-55-64.
Эълонлар бўлими: 136-55-96.

Навбатчи — Зафар ОМОНТУРСУНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 0932, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди.

● *Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар. Кўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босмага топшириш вақти — 21.00. Босма топширилди 21.30.

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.